БУГУНГИ СОНДА:



Қурилиш объектларидаги ёнғин хавфсизлиги ўрганилди

4-бет



Малик кўрғони ободонлашяпти

5-бет

"Universal Auktsion Invest" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

5-бет



Бешариқлик замондошларимиз давр билан ҳамнафас қадам ташламоқда

4-бет


# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 44 (597)
2022 йил 21 июнь, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## БЕТАКРОР ЮРТИМИЗДА БАРҚАРОР ЖАМИЯТНИ ВА БАРДАВОМ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ – БАРЧАМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашди.

Мамлакатимиз Конституцияси мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Шу билан бирга ҳаёт ҳам, халқимизнинг дунёқараши ҳам ўзгармоқда.

Сўнгги йилларда фуқаролар томонидан Конституциямизни такомиллаштириш бўйича кўплаб фикрлар билдириб келинаётган эди. Шуни инобатга олиб, жорий йил 20 май куни Олий Мажлис палаталари Кенгашлари томонидан Конституциявий комиссия тузилди. Ўтган бир ой давомида мазкур комиссияга халқимиздан 48 минг 492 та таклиф келиб тушди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари аҳолининг бундай фаоллигини, мамлакатимиз келажагига дахлдорлик ҳиссини юксак баҳолаб, конституциявий ислоҳотлар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

– Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим. Бир сўз билан айтганда, "Инсон қадри учун" ғоясини ҳамда ҳозирги ислоҳотларимизнинг бош тамойили бўлган "Инсон – жамият – давлат" деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ўз маърузасида тўртта устувор йўналишга эътибор қаратиб, уларнинг ҳар бири бўйича таклифларини айтди.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи биринчи йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилди.

– Инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт. Янгиланаётган Конституциямизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилиши, ўзининг мукаммал ҳуқуқий ечимини топиши зарур, – деди Президент.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани таъкидланиб, Конституцияга "Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади", деган нормани киритиш таклифи билдирилди.

Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслигини қатъий ёзиб қўйиш зарурлиги айтилди.

Шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан инсоний муносабатни таъминлаш бўйича конституциявий асосларни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

2-бет

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ – ИНСОН ҚАДРИ, ХАЛҚ МАНФААТИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳурматли комиссия аъзолари ва йиғилиш иштирокчилари!

Аввало, бугун халқимиз учун жуда муҳим сиёсий ислоҳотлар даврида сизлар билан кўришиб турганимдан мамнунман.

Қисқа вақт мобайнида Конституциявий комиссия томонидан Асосий қонунимизни такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Бугун сизлар билан шу борада атрофлича фикр-мулоҳаза алмашиш, устувор йўналишлар бўйича мулоқот қилиш учун йиғилиб турибмиз.

Конституциявий комиссиянинг иши, ҳеч шубҳасиз, биз олиб бораётган демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий заминини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Мен бу жараёнларни бевосита кузатиб, бир нарсага қувондим. Бошланаётган янги даврдаги ўзгаришларга фуқароларимиз бефарқ бўлмасдан, ўзлари ташаббускор бўлиб, кўплаб таклифлар бермоқда ва ислоҳотларимизни фаол қўллаб-қувватламоқда. Улардан келиб тушган ҳеч бир таклифни эътиборсиз қолдирмасдан, Асосий қонунимизни такомиллаштириш жараёнида албатта инобатга олишимиз зарур.

Бош мақсадимиз – ҳар бир юртдошимиз ушбу ҳужжатни менинг Конституциям деб фахрланадиган мукаммал даражага олиб чиқишдир.

Энди, рухсатингиз билан, бу борадаги баъзи фикрларимни баён этсам. Сўнгра ушбу муҳим масалалар бўйича батафсил фикр алмашсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Азиз дўстлар!

Биз Конституцияни такомиллаштириш бўйича янги, ғоят масъулиятли босқичга қадам қўймоқдамиз.

Бугунги кун ҳолатига кўра, Комиссияга фуқароларимиздан 48 минг 492 та таклиф келиб тушгани ҳам конституциявий ислоҳотлар объектив ҳаётий зарурат сифатида кун тартибига чиқаётганини яққол намоён этмоқда.

Конституциявий комиссия томонидан тайёрланган таклифлар чуқур муҳокамадан ўтказилди ва ҳозирда Қонунчилик палатасига киритиш босқичида. Энди қонун, регламент асосида муҳокамалардан ўтказилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бу борадаги энг муҳим жиҳатларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Авваламбор, биз бир саволга аниқ жавоб топишимиз керак.

Нима учун айнан бугун конституциявий ислоҳотлар ўтказиш зарурати туғилмоқда?

Айрим юртдошларимиз, ҳатто баъзи олимларимиз ҳам Конституциямиз замонавий демократик талабларга жавоб беради-ку, унга ўзгартириш киритишга эҳтиёж борми, деган саволни ўртага қўймоқда.

Тўғри, Конституциямиз хорижий илғор тажриба ҳамда халқаро стандарт ва талабларга ҳар томонлама мос келади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Мен 1992 йили амалдаги Асосий қонунимизни қабул қилишда иштирок этган комиссия аъзоси сифатида олдин ҳам айтганман: Ўзбекистон Конституцияси мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Буни ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шу билан бирга, бугун шиддатли тараққиётнинг ўзи олдимизга қўяётган муҳим бир талабни чуқур тушуниб олишимиз зарур.

Ҳозирги таҳликали замон, ён-атрофимиздаги мураккаб вазият она Ватанимиз тақдирига янада улкан масъулият билан ёндашиб, кечиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Албатта, ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий қиёфаси тубдан ўзгарди. Олти йил олдинги халқимиз билан бугунги юртдошларимизнинг дунёқараши ўртасида катта фарқ бор.

Биз Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш ғоясига содиқ қолган ҳолда, кенг кўламли ишларни амалга оширдик ва бу борада катта тажриба орттирдик.

Инсоният илмий-технологик даврга қадам қўйди. Жаҳонда кескин трансформация жараёнлари ва рақобат кучаймоқда. Эртанги кунини ўйлаган халқлар ва давлатлар ўз келажаги ҳақида бугун ҳар қачонгидан ҳам жиддий бош қотирмоқда.

Шу ўринда табиий саволлар туғилади. Мана шундай ҳал қилувчи паллада ва келажакда давлатимизда, жамиятимизда инсоннинг ўрни ва қадри қандай? Қандай сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, қадрият ва манфаатлар биз учун устувор аҳамиятга эга бўлади?

Энг муҳими, конституциявий ислоҳотлар оддий аҳолига, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётига нима беради?

**Бу саволларнинг барчасига жавобни пухта ишланган ҳуқуқий нормалар орқали Конституциямизда акс эттириш – давр тақозосидир.**

Маълумки, Асосий қонунимизнинг 12-моддасида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Бу – ўта муҳим ва жуда тўғри белгиланган конституциявий қоидадир. Чунки ҳар қандай сиёсий партиянинг мафкураси, у қанчалик обрўли ва таъсирли партия бўлмасин, фақат муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этади.

Чинакам халқ мафкурасини, миллатнинг энг муқаддас орзу-интилишларини фақат унинг Бош ҳужжати – Конституциясида тўлиқ ифода этиш мумкин.

Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим.

2-бет

## ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев жорий йил 21-22 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон – Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Икки мамлакат етакчилари ўзаро савдо ҳажмини ошириш, тадбиркорлар ва ҳудудлар даражасида кооперация алоқаларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш, транспорт-транзит соҳасидаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, фаол маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратадилар.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий вазият юзасидан фикр алмашадилар, кўп томонлама тузилмалар доирасида фаол мулоқотни ривожлантириш ва ўзаро қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қиладилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, илм-фан ва инновациялар, туризм ва бошқа йўналишларда амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф арафасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг етакчи компания ва корхоналари иштирокида ишбилармонлик тадбирлари ўтмоқда.

Кейинги йилларда икки томонлама савдо кўрсаткичлари ўсиб, қўшма корхоналар сони сезиларли даражада кўпайди. 2021 йилда товар айирбошлаш ҳажми 42 фоизга, жорий йил январь-май ойларида 49 фоизга ўсди.

Ўтган йили Озарбайжон ҳудудида юртимиз автомобилларини йиғиш бўйича ишлаб чиқариш майдончаси ишга туширилди. Ипакчилик, аграр мажмуа, қурилиш материаллари саноати, нефть-газ, фармацевтика ва озиқ-овқат тармоқларида янги кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда ва ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатларимизда икки томонлама маданий тадбирлар, илмий анжуманлар, тақдимотлар ва ижодий учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

**ЎзА.**

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## ҲАЛҚАРО АЛОҚАЛАР соҳа ривожи учун хизмат қилади

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хабарингиз бор, айни пайтда Қурилиш вазирлиги мутахассисларидан иборат делегация аъзолари хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг энг мукаммал технологияларини юртимиз қурилиш соҳасига олиб кириш мақсадида бир қатор чет давлатларда бўлиб туришибди. Хусусан, Япония ва Жанубий Корея давлатлари қурилиш соҳаси вакиллари билан ҳамкорлик учрашувчилари ўтказилиб, ўзаро шартномалар ҳам имзоланмоқда.



Токио университети вакиллари билан учрашувдан лавҳа.

### ТОКИО УНИВЕРСИТЕТИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги делегацияси Японияниннг Токио университети вакиллари билан музокаралар ўтказди. Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Давронжон Адилов ҳамда Токио университети ижрочи вице-президенти Тацуя Окубо ўртасида бўлиб ўтган музокараларда Ўзбекистон ва Япония олий таълим муассасаларида архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими бўйича атрофлича фикр алмашилди.

Ўз ўрнида Т. Окубо Япония шаҳарларидаги ноёб бинолар, уларни лойиҳалаш ва қуриш ишларида университет олимларининг иштироки ҳақида мулоҳаза юритди. Токио университетининг Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши тарафдори эканини билдирди ҳамда жорий йилнинг октябрь ойида Японияниннг Сукуба шаҳрида бўлиб ўтадиган ректорлар йиғилишида ушбу институтлар билан музокаралар ўтказишга тайёр эканини мамнуният билан қайд этди.

Токио университетининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи К. Нобухара ва Қурилиш вазирлигининг таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи А. Қўлдашевлар томонидан келгусида Токио университети билан Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтлари ўртасида шаҳарсозлик, урбанизация, қурилиш, таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича профессор-ўқитувчилар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш таклифлари билдирилди.

Мамлакатимиз ёш мутахассисларининг Токио университетида таълим олишларини ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

4-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№44 (597) 2022 йил 21 июнь

# БЕТАКРОР ЮРТИМИЗДА БАРҚАРОР ЖАМИЯТНИ ВА БАРДАВОМ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ – БАРЧАМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ

1-бет

Маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиноий жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари – қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар енгиллик яратиши кераклиги таъкидланди.

Иккинчи йўналишда "Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган ғоя илгари сурилди.

Маълумки, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун муносиб яшаш шароитлари яратиб беради, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди. Шу боис бу йўналишда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, оиланинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, болаларнинг манфаатлари ва тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, инсон саломатлиги ва экологияни асрашга оид таклифлар билдирилди.

– Бир сўз билан айтганда, давлатнинг эркаклар ва аёллар, оилалар ва болалар, ёшлар ва нуронийлар, ногиронлиги бор шахслар, мамлакатда ёки унинг ташқарисида бўлишидан қатъи назар, барча инсонлар ҳақида қайғуриши Конституцияда мустаҳкамланиши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Учинчи йўналиш Конституцияда маҳалланинг мақомини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаш ҳақида бўлди. Бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиши, бунинг учун давлат органлари уларга кўмак кўрсатишига оид тамойиллар ўз ифодасини топади.

Тўртинчи йўналиш мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш, халқ ҳокимиятчилигини кучайтиришга қаратилгани билан жуда муҳим.

– Биз эл-юрт ташвиши билан яшайдиган халқчил давлат барпо этишни кўзлаганмиз. Бу шуни англатадики, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари халқ учун ишлайди, унга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилади. Конституцияга давлат органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ихчам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритишни таклиф қиламан, – деди Президент.

Жумладан, ҳукуматни шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлиснинг ваколатларини кенгайтириш, Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказиш бўйича таклифлар билдирилди.

Ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашларига ҳам бошчилик қилиши ҳақидаги қоидани Конституциядан чиқариб ташлаш вақти келгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Конституцияга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этишни таклиф қилди. Бу қоида орқали халқ бевосита ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритади. 100 минг кишидан кам бўлмаган миқдордаги фуқаролар ўз қонунчилик таклифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш имкониятига эга бўлади.

Ҳукумат ваколатларини ҳам кенгайтириб, Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар, оилани қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини Конституцияда белгилаш лозимлиги қайд этилди.

Жаҳонда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги шароитда, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал-ҳуқуқий асосларини янгилаш ва такомиллаштириш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

Маълумки, Конституциявий комиссия томонидан умумлаштирилган таклифларни энди Қонунчилик палатаси депутатлари қонунчилик ташаббуси тартибида Парламент қуйи палатасига киритади. Парламентда улар чуқур муҳокамадан ўтказилиб, янгиланган Конституция лойиҳаси тайёрланади. Қонунчилигимизга кўра, парламентнинг ўзи ҳам Конституцияга ўзгартиш киритиш ваколатига эга. Лекин Президентимиз Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этди.

– Конституциявий ислоҳотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис, Президент халқимизга мурожаат қилиб, конституциявий ислоҳот жараёнида янада фаол қатнашишга чақирди.

– Бетакрор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш – барчамизнинг бош мақсадимиздир! Мен бутун халқимизни ана шу буюк мақсадга эришишда ўзаро бирдамликка ва ҳамжиҳатликка чақираман, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Учрашув самимий мулоқот тарзида давом этди. Конституциявий комиссия аъзолари сўзга чиқиб, аҳолининг таклифлари, ислоҳотлар зарурати ҳақида ўз фикрларини билдирди.

**ЎзА.**

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ – ИНСОН ҚАДРИ, ХАЛҚ МАНФААТИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи

1-бет

Бир сўз билан айтганда, "Инсон қадри учун" ғоясини ҳамда ҳозирги ислоҳотларимизнинг бош тамойили бўлган "Инсон – жамият – давлат" деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак.

Ана шундай талаблардан келиб чиқиб, қуйидаги устувор йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчи йўналиш – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи.**

Амалга оширилаётган барча ислоҳотларимиз марказида инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ғоя мужассам. Чунки бизнинг муқаддас динимизда ҳам, буюк алломаларимиз бой илмий ва маънавий меросида ҳам, инсон – ҳаёт гавҳари, тенгсиз мўъжиза сифатида улуғланади.

Муқаддас Қуръони каримда Аллоҳ инсонни барча мавжудотлар ичида энг азиз ва мукаррам қилиб яратгани таъкидланган.

Улуғ бобомиз Мир Алишер Навоий ҳам инсонни қийнаётган муаммолар тўғри ҳал этилиб, унинг қадри жойига қўйилса, албатта эл шод, мамлакат обод бўлади, деб ёзганлар.

Дарҳақиқат, инсон муносиб шароитда таълим-тарбия олиб, фаровон ҳаёт кечирган тақдирдагина, жамият ва давлат уйғунликда барқарор ривожланади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, ушбу тушунчалар билан боғлиқ рейтинг ва стандартларга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Инсон – давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозим.

**Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устундир.**

Шу боис инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт.

Янгиланаётган Конституциямизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилиши, ўзининг мукаммал ҳуқуқий ечимини топиши зарур.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, инсоннинг қадр-қиммати аввало унинг табиий яшаш ҳуқуқида намоён бўлади. Бу – энг улуғ ва муқаддас қадриятларимиздан биридир.

Маълумки, биз ўлим жазоси тайинланадиган жиноятлар сонини босқичма-босқич камайтириб, бу жазони тўлиқ бекор қилдик. Шунга қарамасдан, айрим фуқаролар томонидан ўлим жазосини тиклаш, уни жиноят қонунчилигига қайта киритиш ҳақида таклифлар ҳам илгари сурилмоқда. Ваҳоланки, демократик ва инсонпарвар ғояларни олий қадрият даражасига кўтарган дунёдаги аксарият давлатларда ўлим жазоси бекор қилинган. Чунки яшаш ҳуқуқи – ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга бу ҳуқуқни давлат эмас, Яратганнинг ўзи ато этган.

Агар сизлар қўллаб-қувватласангиз, Конституциямизга "Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади", деган яна бир муҳим нормани киритишни таклиф қиламан.

Шу тариқа биз бу ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигимизни, инсонпарварлик ғояларига содиқ эканимизни бутун дунёга яққол намоён қиламиз.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Президент Халқ қабулхоналарига келаётган кўплаб мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахс қўлга олинганида, у нима учун ушлангани ва қандай ҳуқуқларга эга экани тушунтирилмайди. Натижада гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ушланган дастлабки вақтдаёқ хавф остида қолади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб давлатларнинг Конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда акс эттирилган "Миранда қоидаси"ни қўллаш лозим. Яъни, шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушланганини содда тилда тушунтирилиши шарт. Ана шу қоидани Конституциямизда муҳрлаб қўйишнинг вақт-соати келди, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, "Хабеас корпус" институтини ривожлантириш зарур. Яъни, шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас. Агар суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқа турдаги озодликни чеклаш ҳақида қарор белгиланган муддатда қабул қилинмаса, бундай шахсни дарҳол озод қилиш керак. Бу ҳақдаги муҳим нормани ҳам Асосий қонунимизда акс эттиришимиз зарур.

Бундай қоидалар инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият деган эзгу тамойилга ҳар томонлама мос келади.

Эсингизда бўлса, Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган маросимда яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ масалага алоҳида тўхталган эдим. Бундай номаъқул ёндашув туфайли кўплаб ёшларимиз, малакали мутахассисларимиз айбсиз айбдор бўлиб, яқин қариндошлари содир этган қилмишлар учун жабр тортиб келаётган эди.

Нима сабабдан бир жиноят учун бутун авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши лозим? Бундай адолатсиз "тизим"дан энди бутунлай воз кечамиз. Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 30-йилларидаги сиёсий қатағонларнинг ўзи етарли эмасми?!

Шу боис Конституциямизга "Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмас", деб қатъий ёзиб қўйишимиз керак. Шунингдек, "Озодликдан маҳрум этилган барча шахсларга нисбатан инсоний муносабат ва уларнинг қадр-қиммати таъминланиши шарт", деган норма ҳам Асосий қонунимизда ўз аксини топиши зарур.

Биз жазо муддатини ўтаётганларни ҳам қайта тарбиялаб, улар соғлом ҳаётга қайтиши учун барча чораларни кўришимиз керак.

Яна бир масала. Кўпчилигимиз яхши биламизки, қадимги Рим ҳуқуқида олтин қоидалар бор. Масалан, "ҳеч кимга бажариб бўлмайдиган мажбуриятни юклама" ёки "қонун – имконсиз нарсани талаб қилмайди", каби қоидалар шулар жумласидандир.

Афсуски, миллий қонунчилигимизда бажариб бўлмайдиган ёки бажариш қийин бўлган нормалар ҳам учраб туради. Аслида, қонунлар инсонга ҳеч қачон ортиқча талаб қўймаслиги керак. Ортиқча талаб, аввало, ортиқча харажат дегани. Қолаверса, бу коррупцияга йўл очади.

Мана, бир мисол: фуқаронинг ипотека кредитидан 3 миллион сўмлик уч ойлик қарзи бор. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, банк қарздорни судга беради. Лекин, бу масалада даъво аризаси 3 миллион сўм, яъни реал қарз бўйича эмас, балки кредитнинг тўланмаган қисмига, дейлик, 250 миллион сўмга нисбатан берилади.

Суд аризани кўриб чиқиб, қарздордан 10 миллион сўмдан ортиқ давлат божи ундириш ва шартномани бекор қилиш бўйича қарор қабул қилади. Ўзингиз ўйланг, 3 миллион сўмни тўлай олмаган фуқаро 10 миллион давлат божини қандай тўлайди?

Бундай мантиқсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун янги бир нормани Конституцияга киритиш таклифини билдираман. Яъни, маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиноий жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар енгиллик яратиши керак.

Биласизларми, мени кўп йиллардан буён қийнаб келган яна бир масала бор эди, у ҳам бўлса "прописка" деган муаммо.

Одамларимиз Тошкентга келиш учун йўллардаги назорат постларидан паспортсиз, "метрика"сиз ўта олмас эди. Ҳаммамизнинг фахримиз бўлган пойтахтимизни томоша қилишга ёки ишлашга келса ҳам ҳадиксираб юрарди.

Нега? Чунки амалдаги Конституцияда фуқароларимизнинг эркин ҳаракатланишига оид нормалар тўлиқ ёзилмаган. Ваҳоланки, биронта демократик мамлакатда фуқаронинг ҳуқуқини чеклайдиган бундай тартиб йўқ.

Одамларимизни, уларнинг ҳуқуқларини камситадиган бундай ҳолатни бартараф этиш учун биз йўллардаги назорат постларини, "прописка" деган нарсани йўқ қилдик.

Келгусида бундай тўсиқларни тизимли ҳал этиш учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Ҳар бир фуқарога мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим. Ана шу муҳим нормаларни Конституциямизда қатъий белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Шунингдек, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва унинг кафолатлари айнан Конституция даражасида мустаҳкамланиши керак. Шундагина фуқароларимизнинг тинч ва хотиржам яшаши, давлатга ва қонунга ишончи, эмин-эркин ҳаракат қилишини кафолатли таъминлаган бўламиз.

**Иккинчи йўналиш – Асосий қонунимизда "Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган тамойилни мустаҳкамлашни таклиф этаман.**

Чунки "инсон қадри" тушунчаси "ижтимоий давлат" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ғоянинг туб негизида ҳам аввало инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассамдир.

Маълумки, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб беради. У – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

**Биринчидан,** ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутади. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Шулар қаторида яшаш учун зарур ресурслар – ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, транспорт ва бошқа қулайликлар билан таъминланиш, мажбурий меҳнатга тақиқ қўйиш ҳам ижтимоий давлатда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди.

Ижтимоий давлатда инсон қадри деганда, аввало, фуқарони яшаш учун зарур уй-жой билан таъминлашни тушунамиз.

Бизнинг халқимиз учун уй-жой – бу Ватан ичра кичик ватандир.

Инсоннинг дунёга келиши, шахс сифатида камолга етиши, фарзандларни вояга етказиш, миллий урф-одат ва тарихий анъаналарни давом эттириш, тўйлар қилиш айнан уй-жойда амалга оширилади. Фарзанд туғилса, яхши ниятлар билан одамларимиз ҳовлисига кўчатлар экиб, шу уй, шу боғ кўп йиллар авлодларимга хизмат қилсин, деб орзу қилади.

Шу боис уй-жойли бўлиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш ҳар бир инсон ҳаётида қанчалик муҳим эканини барчамиз яхши биламиз. Халқимизнинг **"Уйи борнинг ташвиши йўқ, унинг бошпанаси бор"** деган гапида чуқур маъно бор.

Яқинда "Ижтимоий фикр" нодавлат маркази ўтказган сўровномада кўпчилик юртдошларимиз доимий уй-жойнинг борлиги – оила қуришнинг асосий шарти, деб фикр билдирган.

Мана, кўряпсизларми, оила мустаҳкам бўлиши учун инсонга аввало нима керак?

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ўтган беш йилда қарийб 500 мингта янги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Биринчи марта аёллар ва ёшларга, эҳтиёжманд оилаларга субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилди. 2022-2026 йилларда эса реновация ва уй-жойлар дастурлари доирасида шаҳарларда маънан эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойлар барпо этилади. Бунинг ҳисобидан 275 мингдан зиёд оила янги массивларга кўчиб ўтади.

Конституциямизда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамлаш зарур.

Халқимиз орасида "снос" деган ном билан машҳур бўлган муаммо бор. Бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун уй-жой бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйиш лозим. Яъни, суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги керак. Иморат бузилишга тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматига мос равишда компенсация тўланиши шарт.

Уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг рухсатисиз кириш, уларни кўздан кечириш ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши Конституцияда қатъий белгиланиши даркор.

Яна бир муҳим масала. Тараққиётнинг кўп асрлик тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий мулксиз, унинг ишончли кафолатисиз, кучли ижтимоий давлатни қуриб бўлмайди.

Шу боис Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларни кучайтиришимиз лозим. Токи, катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир тадбиркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида эканини амалда ҳис этсин.

Ривожланган давлатлардаги каби шундай тартиб ўрнатилиши лозимки, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли товон пулисиз мулкидан маҳрум этилмасин.

Шу билан бирга, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқмаслик ҳамда бекор қилмаслик масаласини ҳам конституциявий қоида сифатида белгилашнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Иқтисодиётимизни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлган тадбиркорликнинг ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва ғовларни олиб ташлашимиз зарур. Шу мақсадда Конституциямизда мамлакатимизда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатланиши, ички ва ташқи савдо ривожланиши учун давлат барча шароитларни яратиши ҳақидаги нормани мустаҳкамлашимиз керак. Бу – бошлаган ислоҳотларимиз ва давр талабидир.

Шунингдек, тадбиркорлар қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли эканини ҳам Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Давлат хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини ҳамда шароитларни таъминлаши, эркин ва ҳалол рақобатнинг ҳимоя қилиниши, иқтисодий фаолиятда монополлаштиришга йўл қўйилмаслигини кафолатлаши лозим. Шу билан бирга, Асосий қонунимизда ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланиши лозим, деб ҳисоблайман.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмон фонди давлат тасарруфида бўлиб, тадбиркорлик субъектларига ижара шартномаси асосида берилади, деган мазмундаги норма ҳам Конституциямизда акс этиши албатта ўринли бўлар эди.

**Иккинчидан,** ҳар қандай инсон учун муҳим ва муқаддас қадрият – бу унинг оиласидир. Соғлом ва мустаҳкам оила – давлат таянчи ва жамиятнинг асосий бўғинидир.

Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, миллий маданият, урф-одат ва анъаналарни, ўзлигимизни сақлайдиган, баркамол авлодни шакллантирадиган маскан сифатида эъзозлаймиз. Каттага – ҳурмат, кичикка – иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, она Ватанга муҳаббат ва садоқат каби олижаноб фазилатлар аввало оилада қарор топади.

Бугунги глобаллашув замонида оила институтини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш зарурати тобора кучаймоқда.

Бош қомусимизда оила институтининг конституциявий асосларини ривожлантириш мақсадида "оила аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида шаклланиши", жамиятнинг табиий ва таянч бўғини, жамият ва давлатнинг алоҳида ҳимоясида эканини мустаҳкамлаб қўйишни таклиф этаман. Шунинг учун давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун зарур ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратиши, кўп болали оилаларга қонунга мувофиқ имтиёз ва ижтимоий кафолатлар яратиб бериши лозим. Шунда оиланинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкам бўлади.

**Учинчидан,** халқимиз ҳаётининг мазмуни бўлмиш азиз фарзандларимиз тарбияси ва уларнинг ёруғ келажаги олиб бораётган сиёсатимизнинг муҳим йўналишидир.

Бугунги кунда 30 ёшгача бўлганлар юртимиз аҳолисининг қарийб 60 фозини ташкил этмоқда. Бу – биз учун жуда катта бойлик, инсоний ресурс.

Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий масканларни Учинчи Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари, тўрт узвий ҳалқаси деб ҳисоблаймиз. Шундай экан, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлмиш ўғил-қизларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш – долзарб масаладир.

Бош қомусимизда боланинг манфаатлари, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида ўз аксини топиши зарур.

Шу билан бирга, давлат иқтидорли ёшларни, уларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, доимо қўллаб-қувватлашини мустақил қоида сифатида белгилаб қўйишимиз керак.

Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта аҳамият бераётганимиз барчангизга яхши маълум. Бу борадаги сиёсатимизни конституциявий асосда мустаҳкамлаш мақсадида Асосий қонунимизга қуйидаги қоидани киритишни таклиф этаман:

"Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида маънавий ва ахлоқий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яратади".

Шунингдек, Конституциямизга "Ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунига қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиғи, тўлақонли ва баркамол ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурдир", деган қоидани киритиш ёш авлод тақдири учун масъулиятни янада оширишга хизмат қилади.

**Тўртинчидан,** халқимизнинг мурувват, бағрикенглик, ёрдамга муҳтожларга беғараз кўмак бериш, имконияти чекланган инсонларга тенг имкониятлар яратиш, меҳр-оқибат ва саховат каби фазилатлари миллий ғоямизнинг асосини ташкил этади.

Бугунги кунда юртимизда 1 миллионга яқин имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган фуқароларимиз ҳаёт кечирмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда имконияти чекланган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга тенг шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда. Жумладан, Парламентимизда "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун, қабул қилинди, шунингдек, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция ратификация қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Шу асосда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавжуд имкониятлардан тенг фойдаланиш, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, бандлик, реабилитация, сиёсий-ижтимоий ҳаётда тенг иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланмоқда.

3-бет

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ – ИНСОН ҚАДРИ, ХАЛҚ МАНФААТИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи

1, 2-бетлар

Энди ногиронлиги бўлган инсонлар – жамиятнинг тўлақонли аъзолари, деган тамойил негизида уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва кафолатларини белгилаб қўйиш инсоний бурчимиздир. Жумладан, "Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар қандай шаклда ажратиб қўйиш, уларнинг ҳуқуқларини чеклаш, объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бош тортиш тақиқланади. Давлат уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароитларни ва тенг имкониятларни яратади. Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар учун таълим муассасаларида инклюзив таълим ташкил этилади", деган қоидаларни киритишни таклиф қиламан.

**Бешинчидан,** инсоннинг меҳнатга ва муносиб ҳаёт шароитларига, ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш – конституциявий ислоҳотларнинг муҳим мақсадидир.

Мамлакатимизда ўтган қисқа даврда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган "темир", "аёллар", "ёшлар" дафтарлари, "маҳаллабай" ва "хонадонбай" ишлаш тизимлари ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, мазкур ишлар мунтазам, тизимли амалга оширилиши, ортга қайтмайдиган жараёнга айланиши учун мустаҳкам конституциявий кафолат лозим.

Бундан ташқари, Асосий қонунимизда ҳар бир шахснинг қулай меҳнат шароитида ишлаш, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласининг ҳаёт кечириши учун етарли миқдорда бўлишини белгилашни таклиф этаман.

Барчангизга маълумки, янги авлодни дунёга келтираётган, фарзандлар тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга азал-азалдан халқимиз алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келади. Шу мақсадда Бош қомусимизда ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилиши шарт.

Ҳаммангизга аёнки, кейинги йилларда мамлакатимизда мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди. Бунинг эътирофи сифатида яқинда "Cotton Campaign" халқаро коалицияси ҳамда жаҳондаги машҳур брендлар томонидан Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан илгари ўрнатилган бойкот бекор қилинди.

Бундай ҳолатлар бошқа қайтарилмаслиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик ҳам ўз аксини топиши зарур.

Барчангизга маълумки, сўнгги йилларда хорижий давлатлардаги ватандошларимизга муносабатимиз бутунлай ўзгарди. Чет элда билим олаётган, меҳнат қилиб даромад топаётган юртдошларимизни, уларнинг мамлакатимизда яшаётган оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Хусусан, "Ватандошлар" жамоат фонди орқали чет элларда яшаётган фуқароларимиз ва уларнинг оилалари билан алоқалар кенгайтирилмоқда.

Бундай фаолият ҳеч қачон тўхтаб қолмаслиги учун ватандошлар ҳақида давлат томонидан ғамхўрлик қилишнинг конституциявий асосларини яратиш зарур. Шу мақсадда Конституциямизга давлат чет элда яшаётган ва ишлаётган фуқароларимиз ҳамда ватандошлар билан мунтазам алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилади, деган қоидани киритиш даркор.

**Олтинчидан,** инсон саломатлиги – жамиятнинг энг катта бойлигидир. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, фақат соғлом халқ ва миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Биз учун инсон саломатлиги – миллат ҳаётининг давомийлигини таъминлаш, унинг генофондини сақлаш, барқарор миллий стратегиямизнинг муҳим таркибий қисмидир. Бу мақсадларга эришиш учун, менимча, Конституциямизда белгиланган "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга", деган умумий норма етарли эмас. Бу моддани кенгайтириб, тўғридан-тўғри қўлланадиган нормалар билан бойитиш шарт, деб ҳисоблайман.

Дунёда икки йил олдин бошланган пандемия бизни кўп нарсага ўргатди. Жорий йил март ойида тиббиёт ходимлари билан ўтган учрашувда келиб тушган 25 мингдан зиёд мурожаатлар ҳам бу соҳадаги кўп муаммоларни кўрсатиб берди. Шуларни таҳлил этган ҳолда, Бош қомусимизда инсон соғлиғини сақлашга оид конституциявий кафолатларни янада кучайтиришни таклиф этаман.

Навбатдаги масала – инсоннинг камол топиши, фаровон ҳаёт кечиришида қулай ва хавфсиз атроф-муҳит, экологиянинг аҳамияти беқиёс эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани экологик хавфсизликни ғоят долзарб масалага айлантирди. Шу боис Конституциямизда ушбу йўналишга доир экологик-ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топиши лозим.

Ҳеч шубҳасиз, бундай конституциявий ўзгаришлар жамиятимизда фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, айниқса, мансабдор шахсларнинг табиат ҳимояси учун масъулиятини кескин ошириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларни янада кучайтириш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, давлатнинг эркаклар ва аёллар, оилалар ва болалар, ёшлар ва нуронийлар, ногиронлиги бор шахслар, мамлакатда ёки унинг ташқарисида бўлишидан қатъи назар, барча инсонлар ҳақида қайғуриши Конституцияда мустаҳкамланиши зарур.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Биз таълим, илм-фан ва инсон капиталини ривожлантиришга устувор эътибор бериб келмоқдамиз. Чунки, бугунги шиддатли рақобат замонида фақат билимли, маърифатли миллат ва давлат муносиб тараққиётга эриша олади.

Ота-боболаримиз **"Бешикдан қабргача илм изланг"** деган муборак ҳадисга амал қилиб яшаган даврларда юртимиз заминидан буюк мутафаккир зотлар – бухорийлар, термизийлар, хоразмийлар, берунийлар, фарғонийлар, навоийлар етишиб чиққан. Биз ана шундай улуғ аждодларимизнинг янги баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказмоқчи эканмиз, бунинг учун боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини устувор тараққий эттиришни конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйишимиз шарт.

Бош қомусимизда давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб бериши билан боғлиқ нормалар ҳам бўлиши лозим.

Биз сўнгги йилларда жамиятимизда устоз ва мураббийларнинг обрў-эътиборини юксалтириш, уларнинг маошларини ошириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Устоз ва мураббийлар – билимларни, урф-одат ва анъаналар, маданиятимизни авлоддан-авлодга етказадиган буюк кучдир. Шундай экан, устозга бўлган юксак эҳтиром Конституциямизда ўз ифодасини топиши зарур. Шунингдек, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашиш, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслигини Конституция даражасида белгилаб қўйсак, ўйлайманки, адолатдан бўлади.

**Учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масаладир.**

Бизнинг халқимиз учун жамият, аввало, маҳалладан бошланади. Маҳалла – асрлар давомида миллий урф-одатларимиз ва бой маънавиятимизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

Маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун ва бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб ижтимоий тузилмани тушунамиз.

Ўтган даврда маҳалла ривожига доир 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳар бир ҳудудда "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилига асосланган янги тизим жорий этилмоқда.

Айни пайтда маҳаллани фуқаролар ўз фикри ва дардини, таклиф ва тавсияларини эркин айтадиган, муаммосига самарали ечим топадиган чинакам халқчил тузилмага айлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Маҳалла обод бўлса – юрт обод бўлади. Маҳаллада ўзгариш бўлса – бутун жамият ўзгаради.**

Хабарингиз бор, фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этдик. Лекин гоҳида, бу – маҳаллаларни бошқарадиган идора, деган нотўғри гап-сўзларни ҳам эшитиб қоляпмиз. Бундай қарашларга йўл қўймаслик мақсадида маҳалланинг мақомини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман. Бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатлари алоҳида белгиланиши зарур. Бунинг учун эса давлат органларининг маҳаллалар фаолиятига ҳар томонлама кўмак кўрсатиш бўйича мажбуриятлари мустаҳкамланиши керак.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Юртимизда фаолият олиб бораётган 9 минг 200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий ҳаёт, маданият ва таълим борасидаги мақсадларга эришишда муҳим вазифани бажармоқда.

Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Бу чора-тадбирларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатга қаратилган истиқболларини белгилаб олиш мақсадида 2021-2025 йилларга мўлжалланган концепция тасдиқланди.

Энди Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтлари – маҳаллалар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, касаба уюшмалари, жамғармалар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ўрни ва мақомини янада мустаҳкамлаш лозим, деб ўйлайман.

**Тўртинчи йўналиш – Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш масаласидир.**

Ҳуқуқий давлат – инсониятнинг минг йиллар мобайнидаги машаққатли меҳнати эвазига шаклланган тараққиёт ғояси ва буюк кашфиётидир.

Фақат ҳуқуқий давлат шароитидагина инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини тўлиқ таъминлаш, том маънода халқпарвар бошқарув тизимини шакллантириш мумкин.

Ҳуқуқий давлат – демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлатдир.

Шу маънода, мен **"Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат"** деган ғояни Конституциямизда аниқ мустаҳкамлаб қўйишни таклиф этаман.

Биз эл-юрт ташвиши билан яшайдиган халқчил давлат барпо этишни кўзлаганмиз. Бу шуни англатадики, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари халқ учун ишлайди, унга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилади.

Конституцияга давлат органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ихчам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритишни таклиф қиламан.

Асосий қонунимизда халқ ҳокимиятчилигини, ҳокимиятларни бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш механизмларини таъминлашни янада кучайтириш талаб этилади. Бунда, авваламбор, Ҳукуматни шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлиснинг ваколатларини кенгайтириш бўйича тегишли қоидаларни Асосий қонунимизда белгилашимиз зарур. Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарини тайинлаш бўйича фармон Сенат томонидан тасдиқланиши тартибини жорий этишни таклиф этаман.

Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан тайёрланган Коррупцияга қарши кураш бўйича йиллик миллий маърузани муҳокама қилиш масаласини парламентимиз ваколатига киритиш лозим.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларининг конституциявий асосларини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш керак. Шу мақсадда мен Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказишни таклиф этаман. Мисол учун, Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш ваколатини Сенатга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали Ҳисоб палатаси Давлат бюджети шаклланиши ва ижросини таъминлашда парламент назоратининг муҳим воситасига айланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини ислоҳ қилишдаги муҳим масала – бу жойларда ҳокимлар ва маҳаллий кенгашлар ваколатини ажратишдир.

Барчангизга маълумки, бу ғояни мен аввал ҳам бир неча марта илгари сурган эдим. Амалга оширган ислоҳотларимиз натижасида маҳаллий кенгашлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайди. Шундан келиб чиқиб, ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашларига ҳам бошчилик қилиши ҳақидаги қоидани Конституциядан чиқариб ташлаш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Бу ислоҳотнинг жорий этилиши ҳокимият ваколатларини бўлиниш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишга, маҳаллий кенгашлар фаолияти самарадорлигини, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга олиб келади. Ҳудудларда халқ манфаатларини тўлиқ таъминлашга, ҳокимликлар фаолияти устидан кенгашлар ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Биз халқ вакиллик органлари ваколатларини бундан буён ҳам янада кенгайтириш йўлидан борамиз.

Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи институтини ислоҳ қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Хусусан, Конституциямизга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этишни таклиф қиламан.

Мазкур институт доирасида 100 минг кишидан кам бўлмаган миқдордаги фуқаролар ўз қонунчилик таклифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш имкониятига эга бўладилар. Шу асосда энди халқ бевосита қонун ижодкори сифатида ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мазкур янги қонунчилик таклифларини киритиш институтини Олий Мажлис Сенати, Омбудсман ва Марказий сайлов комиссиясига ҳам бериш вақти келди, деб ҳисоблайман. Бунда ташаббуслар қонун лойиҳаси шаклида эмас, балки таклифлар кўринишида киритилади.

Ижро ҳокимияти органларининг конституциявий жавобгарлик соҳаларини, ваколатларини кенгайтириш билан бирга, уларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш ҳам талаб этилади.

Шу муносабат билан Ҳукумат ваколатларини кенгайтиришни таклиф этаман. Хусусан, Конституцияда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар сиёсатини амалга ошириш, оилани қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қулай жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини белгилаш лозим.

Фуқароларнинг тинч, эркин ва фаровон яшаши Ҳукумат ва маҳаллий ижро органлари фаолиятининг бош мезонига айланиши зарур.

Яна бир муҳим масала. Янги Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари дадил қадам ташлаётган эканмиз, барча суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари шуни чуқур англаб олиши керак.

Суд-ҳуқуқ тизимини қораловчи, жазоловчи органдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш – ислоҳотларимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ривожланган давлатлардаги каби бизда ҳам адолатли ва мустақил суд, қонун устунлигини амалда таъминловчи прокуратура, жамоат тартибини сақловчи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ички ишлар, миллий гвардия, кучли адвокатура тизимини яратиш асосий вазифамиздир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Конституция моддаларини бевосита амалга ошириш механизми ҳақида ҳам фикр алмашиб олишимиз зарур.

Конституциянинг олий юридик кучга эга экани, тўғридан-тўғри қўлланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли экани қайд этилмоқда. Буларнинг барчаси Асосий қонуннинг ҳимоячиси бўлган Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мазкур суд, бошқа судлардан фарқли ўлароқ, фақат Конституцияга бўйсунади ҳамда Асосий қонуннинг устунлиги принципини таъминлайди. Бунда Конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият чиқарган ҳужжатларда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий принцип ҳамда Конституция нормаларига амал қилинишига эътибор қаратади.

Шу муносабат билан Конституциявий суд ишини тубдан ўзгартириш, унинг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда ҳисобдорлигини ошириш лозим.

Шунингдек, Конституциямизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян ишда суд томонидан уларга нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мослигини текшириш ҳақидаги шикоятларини кўриб чиқишни Конституциявий суднинг ваколатида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Азиз дўстлар!

Барча эзгу мақсадларимизнинг амалга ошиши миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликка, юртимиз тинчлиги ҳамда хавфсизлигига боғлиқ. Мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат ушбу вазифалар ечимига қаратилган.

Ўтган даврда биз жаҳоннинг кўплаб давлатлари билан, хусусан, минтақадаги барча мамлакатлар билан ҳамкорликни яхшиладик, яқин қўшничилик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамладик.

Шундан келиб чиқиб, Асосий қонунимизга Ўзбекистон барча давлатлар, энг аввало, ўзининг яқин қўшнилари билан тинчликпарвар ва дўстона сиёсат юритиши, унинг ташқи сиёсати инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатларнинг ҳудудий яхлитлигига оид принцип ва нормаларга асосланиши ҳақидаги моддани қўшишни таклиф этаман.

Шунингдек, мамлакатимиз ва жаҳонда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал-ҳуқуқий асосларини янгилаш ва такомиллаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси 1997 йилда тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси эса 2012 йилда қабул қилинган.

Яққол кўриниб турибдики, мазкур икки муҳим ҳужжат бугунги дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган янги шарт-шароитларга тўлиқ жавоб бера олмаяпти.

Шу муносабат билан, ҳозирги пайтда кенг омма муҳокамасида бўлиб турган конституциявий ислоҳотларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини янги таҳрирда ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман.

Мазкур ҳужжатларнинг ўта муҳимлигидан келиб чиқиб, ушбу концепцияларни ҳам Конституциявий қонун шаклида қабул қилишни таклиф этаман.

Муҳтарам мажлис қатнашчилари!

Албатта, халқимиздан Комиссияга келиб тушган барча муҳим ва долзарб таклифларни бугун Сизлар билан батафсил муҳокама қилиш имкониятига эга эмасмиз. Мен уларнинг айримларига тўхталиб ўтдим, холос.

Конституциявий комиссия биринчи босқичда ўз ишини якунига етказиб, халқимиздан келиб тушган барча таклифларни тизимлаштирган ҳолда, Олий Мажлис палаталарига тақдим этиш арафасида турибди.

Энди олдимизда бу ишларимизнинг иккинчи босқичи, яъни ана шу таклифларни халқимиз, жамоатчилигимиз билан яна бир бор ҳар томонлама кўриб чиқиб, қабул қилиш вазифаси турибди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардим: биз шу кунга қадар барча ислоҳотларни бутун халқимиз билан бамаслаҳат амалга ошириб келяпмиз. Ўйлайманки, Конституцияга киритиладиган ҳар бир ўзгартиш ва қўшимча, албатта, умумхалқ муҳокамасига қўйилиши зарур. Чунки, эл-юртимиз ғоят муҳим ва ҳал қилувчи тарихий танлов олдида турибди.

Конституциявий ислоҳот орқали биз Янги Ўзбекистонда инсон қадрини амалда энг олий қадрият даражасига кўтаришга қаратилган барча амалий ишларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиб, эртанги кунимиз, келажагимиз қандай бўлишини белгилаб олишимиз лозим.

Шу маънода, Комиссия таклифи асосида Парламент томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқишни, ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этаман.

Тўғри, амалдаги қонунчилигимизга кўра, парламентнинг ўзи ҳам Конституцияга ўзгартиш киритиш ваколатига эга. Лекин, конституциявий ислоҳотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади, деб ўйлайман.

**Бу "Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи – халқдир" деган тамойилга тўла мос келади. Шунда ҳар бир ватандошимиз "Янги Ўзбекистон Конституцияси – менинг Конституциям" деб юксак ғурур билан айта олади.**

Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга мурожаат қилмоқчиман.

Азиз ватандошлар, бугун нотинч дунёда, ўта таҳликали замонда яшаяпмиз. Мамлакатимиз тараққиётида ғоят масъулиятли даврни бошдан кечирмоқдамиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида бошлаган барча ислоҳотларимиз ҳар биримизнинг бугун ва келажакда фаровон ҳаёт кечиришимизни таъминлашга қаратилган.

Ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, шаъни ва ғururини улуғлаб, Ватани ва халқига тоғдек таянч бўлиб яшашга қодир, эркин ва азму шижоатли инсонлардир.

Шу боис барчамиз Конституцияга киритиш таклиф этилаётган янги норма ва қоидаларни онгу тафаккуримиз, қалбимиздан ўтказиб, уларга холис ва ҳаққоний муносабатимизни билдиришимиз лозим.

Барчамиз Асосий қонунимизда ўзимизни, оиламизни, маҳалламизнинг орзу-умидларини кўришга интилаётганимиз – бу табиий ва мутлақо тўғри.

Ўйлайманки, Конституцияга киритиладиган барча тузатиш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг 14 та ҳудудий бирлигидан иборат ягона давлатни, миллати ва элатидан қатъи назар, ягона ва қудратли Ўзбекистон халқини янада жипслаштиради ҳамда улуғвор мақсадлар сари сафарбар этади.

Шу боис барча азиз ватандошларимизни конституциявий ислоҳот жараёнида янада фаол қатнашишга чақираман.

**Ҳеч қачон унутмайлик, бу жараёндаги иштирокимиз билан ўзимиз, оиламиз, фарзандларимиз мана шу муқаддас заминда янада эркин ва фаровон яшаши учун мустаҳкам пойдевор яратамиз.**

Қадрли ватандошларим!

Сизларни ишонтириб айтмоқчиман, давлатимиз янгиланаётган Конституциямиз моддаларини ҳаётда тўла қарор топтириш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этади.

Бу янгиликлар аниқ қонун ва кодекслар, амалий дастурлар ва режалар билан ҳаётимизда албатта ўз аксини топади. Ҳар бир конституциявий норма ижросини таъминлаш бўйича аниқ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилади.

Ишончим комил, эл-юртимиз эзгу ниятлар билан бошлаётган умидли ва барқарор ислоҳотларимизни албатта қўллаб-қувватлайди.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши конституциявий ислоҳотларнинг бошланиши, холос. Конституциявий ислоҳотларни том маънода ҳаётга татбиқ этиш учун олдимизда янада муҳим ва масъулиятли вазифалар пайдо бўлади.

Аввало, барча қонунларимизни, бутун қонунчилигимизни қайтадан кўриб чиқиб, янги конституциявий нормаларга мувофиқлаштиришимиз лозим.

Давлат органлари, давлат бошқаруви тизимини конституциявий ислоҳотларга мос ҳолда такомиллаштириш зарурати туғилади.

**Иккинчидан,** боғчадан бошлаб олийгоҳга қадар бутун таълим-тарбия тизими конституциявий норма ва тамойиллар билан қамраб олиниши даркор.

Баркамол авлод, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида вояга етаётган ёшлар тарбияси Конституцияда мустаҳкамланган норма ва қоидаларни фарзандларимиз онгига сингдиришдан бошланиши зарур.

Ҳар бир фуқаромизда конституциявий ҳуқуқ маданиятини, конституциявий онгни ва Асосий қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантиришимиз керак.

**Учинчидан,** олдимизда турган энг муҳим вазифа – барча давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқароларнинг янги конституциявий норма ва принципларга оғишмай амал қилишини таъминлашдан иборат. Конституция тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат бўлиши шарт.

Давлат органлари, айниқса, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-тўғри мурожаат қилиши, унинг нормаларига асосланиб иш кўриши зарур.

Ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда Конституциямиздан куч-қувват олиб ҳаракат қилиши, унга таяниши лозим.

Бугунги шиддатли замонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик фуқаролик жамияти барпо этиш орқали Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ривожланган давлатлардаги инсонлардан кам бўлмаган ҳолда ишлаши ва яшаши учун шароит яратиш – асосий вазифамиздир.

Биз ишлашга – иши, яшашга – уйи бўлган, фуқаролари тинч ва эркин, ҳаётдан мамнун, дастурхони тўкин, оиласи бахтиёр ва фаровон яшайдиган давлат қуришни мақсад қилганмиз.

Биз ана шундай буюк ишлар арафасида турибмиз. Кучли иқтисодиёт барпо этиб, дунёда муносиб ўрнимизни эгаллашимиз, халқимизга юксак шароитлар яратиш учун ҳам жуда кўп ишларни биргаликда амалга оширишимиз керак.

**Бетакрор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш – барчамизнинг бош мақсадимиздир.**

**Мен бутун халқимизни ана шу буюк мақсадга эришишда ўзаро бирдамликка ва ҳамжиҳатликка чақираман.**

**Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгиланаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта биргаликда барпо этамиз.**

Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин ғоят мураккаб шароитда бундай улкан ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар ҳеч қачон унутмайди.

Ана шундай буюк бахт ва шараф барчамизга ёр бўлсин!

Сўзимнинг якунида барчангизга ана шундай улуғ ишларни амалга оширишда ютуқ ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№44 (597) 2022 йил 21 июнь

# ҲАЛҚАРО АЛОҚАЛАР
## соҳа ривожи учун хизмат қилади

1-бет

### ЯПОНИЯ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ БИЛАН МУЗОКАРА



Делегация аъзолари Токиода Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги – JICA билан музокаралар ўтказди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги Осиё ва Марказий Осиё департаменти бош директори Тайиджи Наказато билан кечган учрашув давомида Ўзбекистонда қурилиш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, мулоқотда, соҳада стандартларни ва кўп қаватли бино қурилиши кодларини ишлаб чиқиш, Япониянинг қурилиш соҳасидаги тажрибасини маҳаллий мутахассисларга ўргатиш, қурилиш соҳасида япон мутахассисларини Ўзбекистонга жалб қилишда JICA тарафидан кўрсатиладиган ҳамкорлик баён қилинди.

Музокараларда бу ташкилот билан зилзилаларни мониторинг қилиш, биноларнинг сейсмик бардошлилигини ўрганиш, хавф ва офатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш масалалари иштирокчилар диққат-марказида бўлди. Шунингдек, мутахассислар малакасини ошириш ҳамда шаҳарсозлик йўналишида Япониянинг мутасадди ташкилотлари мутахассисларини мамлакатимизга жалб қилиш бўйича истиқболдаги ишларга келишиб олинди.

Кўп қаватли биноларни қуриш билан боғлиқ муҳандислик-коммуникация, сейсмоизоляция, ёнғин хавфсизлиги бўйича стандартларни ишлаб чиқишга доир ташаббуслар илгари сурилди. Ўзбекистонда архитектура ва қурилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш мақсадида JICA грантларини жалб қилиб, Япониянинг қурилиш соҳасидаги университетларида ўқишларни ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги делегацияси Токиода Япония сейсмик изоляция жамияти аъзолари билан музокаралар ўтказишди. Япония сейсмик изоляция жамияти ижрочи директори Ёшихиса Китамура билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази билан имзоланган меморандум асосида ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари келишиб олинди.

### ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ – СЕУЛ ШАҲРИДА



Делегация аъзолари ICAK – Кореянинг халқаро қурувчилар ассоциациясига ташриф буюришди. Ассоциация раиси Парк Сунхо томонидан икки давлат ўртасидаги дўстона алоқалар туфайли амалга оширилаётган ҳамкорликлар салмоғининг ошиб бораётганлиги айтилди. Бугунги кунда Корея ташкилотлари учун Ўзбекистонга инвестиция киритиш қизиқ ва фойдали ҳисобланмоқда. Шу сабабли, ICAK ҳам жамоат ва йўл қурилиши соҳаларида Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари билан Корея тажрибасини улашиш ҳамда инвестицион лойиҳаларда иштирок этиш истагида эканлигини билдирди.

Д. Адилов томонидан Ассоциация раиси Парк Сунхонинг ишчи гуруҳ аъзоларини илиқ қабул қилганлиги ҳамда Ўзбекистонда қурилиш соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда ҳамкорлик қилишга қизиққанлиги учун миннатдорлик билдирди.

Ўз навбатида, бугунги кунда жамоат қурилиш объектлари қурилишига хорижий ташкилотлар жалб қилинаётганлиги ва бу ташкилотлар сафида корейс ташкилотларини ҳам иштирок этишида Қурилиш вазирлиги томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маълум қилди.

Қурилишда техник меъёрлаш маркази директори Р. Қўчқоров Марказ фаолияти ва Ўзбекистон қурилиш нормаларини такомиллаштириш, хусусан, баланд биноларни қуриш, ёнғин хавфсизлиги, муҳандислик коммуникациялари бўйича ШНҚларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа эканлиги ҳақида маълумот берди.

Бугунги кунда Корея Республикаси Ер ресурслари, инфратузилма ва транспорт вазирлиги MOLIT ҳамда Корея қурилиш муҳандислиги ва қурилиш технологияси институти KICT ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган бўлиб, мазкур меморандум асосида Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасида ШНҚларни такомиллаштириш лойиҳаси келишилган. Ушбу лойиҳанинг ўз вақтида сифатли амалга оширилишини назорат қилувчи ташкилот этиб, ICAK ташкилоти белгиланган. Қурилишда техник меъёрлаш маркази томонидан мазкур лойиҳани амалга оширишда маҳаллий хусусиятларни инобатга олиш ва самарадорликни ошириш бўйича бажарилиши керак бўлган тавсия ҳамда таклифлар билдирилди.

Ассоциация раиси Парк Сунхо Д. Адилов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар ўрганиб чиқилиши ҳамда бу ҳақида Ўзбекистонга қисқа фурсатларда маълум қилинишини билдирди.

### ЕР РЕСУРСЛАРИ, ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИГА ТАШРИФ



Ишчи гуруҳ аъзолари MOLIT вазирининг ўринбосари Квон Хюк Жин томонидан вазирликнинг бош музейида жойланган Кореянинг тарихий кўриниши ва босқичма-босқич ривожланиш қадамлари ҳақида кўргазмали экскурсияга таклиф этилди. Экскурсия давомида Кореянинг тарихдаги босиб ўтган қадамлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга ўхшашлиги таъкидланди ва бу борада Ўзбекистон томонига Кореянинг тажрибасини улашишга тайёр эканлиги маълум қилинди.

MOLIT бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор экани, Корея тажрибасини ўргатиш бўйича Ўзбекистоннинг давлат ташкилотлари ходимлари учун малака ошириш дастурлари, қурилиш соҳасида икки томонлама манфаатли инвестициялар киритишга, Корея компанияларига Ўзбекистонда мавжуд жозибадор лойиҳаларда иштирок этиш бўйича тавсиялар берилишида амалий ёрдам кўрсатилишини маълум қилди.

### KICT БИЛАН ТАНИШУВ



Ишчи гуруҳи аъзолари Корея қурилиш муҳандислиги ва қурилиш технологияси институти – KICTга ташриф буюриб, институт ҳудудида жойлашган лаборатория, қурилиш устахонаси, экспериментал шаклда барпо этилган ҳамда бугунги кунда тўлиқ ишга туширилган энергия самарадор бино билан яқиндан танишдилар.

Институтга қилинган ташрифдан сўнг, KICT президенти Ким Бюнг-Сук Д. Адилов бошчилигидаги ишчи гуруҳи аъзоларини Кореяга ташрифи билан қутлади ва қабулнинг расмий қисмига ўтилди. Йиғилишнинг расмий қисмида икки томонлама дўстона муносабатлар, тарихий саналар, Кореянинг қурилиш соҳасида норматив ва стандартларни қабул қилиш тажрибаси, бугунги ҳолати ҳақида тақдимотлар намойиш этилди. Қурилишда техник меъёрлаш маркази директори Р.Қўчқоров томонидан KICT билан мавжуд ҳамкорлик лойиҳасидан кўзланган мақсад, лойиҳани амалга оширилишидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш учун таклиф ҳамда тавсиялар ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, Д. Адилов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Кореянинг қурилиш соҳасида фаолият юритувчи "DL Company" компаниясига ташриф буюрди ва компания президенти ўринбосари ҳамда ҳудудий директори Чо Хожин томонидан қабул қилинди.

Ушбу компания Корея бозорида 1-ўринни эгаллаб, кўприклар қуриш бўйича жаҳоннинг кучли 10 талигига, умумий қурилиш бўйича халқаро рейтингида кучли 100 таликка кириши ҳақида маълумот берилди ва йирик қурилиш объектлари ҳақида тақдимот намойиш этилди. Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасида "DL Company" компаниясига катта қизиқиш уйғотаётганлиги билдирилди.

Д. Адилов Ўзбекистон қурилиш соҳасида хорижий ташкилотларнинг фаолият юритиш тартиби, Қурилиш вазирлиги томонидан яратилган рейтинг тизими, давлат ва нодавлат объектлар қурилишида иштирок этиш учун хорижий ташкилотларга қўйиладиган талаблар ва қоидалар билан таништириб ўтди. Шунингдек, компаниянинг салоҳиятини инобатга олиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган қурилиш объектларида унинг иштирок этиши мақсадга мувофиқ эканлиги, бунинг учун компания делегациясини Ўзбекистонга таклиф қилишини билдирди.

Расмий учрашувдан сўнг, компания томонидан қуриб, битирилган оқова сувларини қайта ишлаш иншоотига ташриф буюрилди. Мазкур иншоот Сеул шаҳрининг 1/3 қисмига хизмат кўрсатиши, оқова сувини энг сўнгги технологиялар билан тозаланиш босқичлари, ер ва ҳудуддан унумли фойдаланиш мақсадида иншоотнинг ертўлада жойлашганлиги, устки қисмида халқ учун безарар экотизим талаблари асосида истироҳат боғи барпо этилганлиги намойиш этилди.

### СЕУЛ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК



Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур университет декани, профессор Хюн Парк бошчилигида ташкил этилган ташрифда муассасанинг кутубхонаси ва унда талабалар, профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар билан танишишди. Шунингдек, университет томонидан ташкил этилган Сеул шаҳрининг тарихи ҳақида маълумот берувчи музейда бўлишди.

Декан Хюн Парк Сеул университетида 10 нафар ўзбекистонлик талаба таҳсил олиш имконини қўлга киритиб, 4 нафари ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётгани, 6 нафар талаба эса таҳсилни давом эттираётгани ҳақида маълумот берди. Д. Адилов Сеул университетида таҳсил олаётган юртимиздан борган талабалар билан учрашиб, улар таҳсил олаётган магистратура мутахассисликлари, яратилган шароитлар, университетни битиргандан сўнг иш фаолиятларини қайси соҳада давом эттириш истаклари ҳақида суҳбат ўтказди.

Шундан сўнг, Сеул университети президенти Сух Сун-Так билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда университет президенти Сух Сун-Так делегация аъзоларини қабул қилишдан мамнун эканини билдириб, ўзбекистонлик талабалар илмга чанқоқ ва намунали одобга эга эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Д. Адилов Ўзбекистонда фаолият юритаётган Корея Республикасининг Аджу, Пучон ва Ёджу университетлари фаолияти ҳамда уларда тайёрланаётган таълим йўналишлари тўғрисида гапириб ўтди. Шу билан биргаликда, вазирлик тизимидаги ТАҚИ ва СамДАҚИ институтларининг фаолияти, улар учун қурилаётган янги камус лойиҳалари ва яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида ҳам тўхталди.

Таълим муассасаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи А. Қўлдашев томонидан ТАҚИ ва СамДАҚИда олиб борилаётган трансформация жараёни, таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва хорижий ҳамкорлик ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, бугунги кунда вазирликнинг икки нафар ходими Сеул университетида магистратура босқичида таълим олаётганлигини, вазирлик тизимида фаолият юритувчи ёш ходимлар орасида хорижий тажрибани ўзлаштиришга қизиқиш катта эканлигини билдирди.

Сеул университети президенти Сух Сун-Так икки давлат ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилиши натижасида Ўзбекистонда Корея Республикасининг таълим муассасалари сони ортиб бораётганидан мамнунлигини билдириб, Қурилиш вазирлиги ходимларига кейинги ўқув йили учун яна 2 та грант ўрин ажратилишини маълум қилди.

Шунингдек, вазирлик таркибидаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиши, улар билан қўшма таълим дастурлари асосида урбанизация ва қурилишни бошқариш, магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашга тайёр эканини таъкидлади. Учрашув якунида университет президенти Сух Сун-Так Д. Адилов ва делегация аъзоларига миннатдорлик билдириб, Кореяга режалаштирилган сафарнинг самарали ўтишини тилади.

# Қурилиш объектларидаги ёнғин хавфсизлиги ўрганилди

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Катта ҳажмдаги қурилиш ишлари ўз навбатида ўта эҳтиёткорлик ва хавфсизлик масаласига ҳам алоҳида эътибор берилишини талаб қилади.**

Қурилиш жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири табиийки сифат ва хавфсизлик ҳисобланади. Гап, ҳар қандай табиий ва техноген тусдаги офатлар ҳамда уларнинг олдини олиш борасидаги ишлар ҳақида бормоқда. Ана шундай таҳлилларга ойдинлик киритиш истагида Қурилиш вазирлиги масъуллари томонидан Қурилишда ҳудудий назорат инспекцияси мутахассислари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бошқармаси вакиллари билан пойтахтдаги айрим қурилиш объектларида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Дастлаб, пойтахтимизнинг Миробод туманидаги кўп қаватли турар жой биносининг қурилиш лойиҳаси, бунда техник талаблар, содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли ҳолатларда тезкор эвакуация қилиш чоралари билан боғлиқ амалий ишлар кўздан кечирилди. Мутахассисларнинг фикрича, кун сайин қурилиш индустриясининг ривожланиб бораётгани сабабли хавфсизлик талабларини кучайтириш бўйича янги вазифалар кун тартибига қўйилмоқда. Масалан, оддийгина ёнғинни бартараф этиш қутисининг ҳам ўзига хос норматив ва вазифалари мавжуд.

– Ҳар бир қаватда ички ёнғин ўчириш каналлари ўрнатилган, – деди ФВВ Давлат ёнғин назоратини ташкил этиш бош бошқармаси инспектори Рустамбек Аҳмедов. – Шунингдек, сув босими ва бирламчи ёнғинни ўчириш воситалари ҳам мавжуд. Бирламчи ёнғинни ўчириш воситаларидан фойдаланиш энг асосий афзалликлардан бири ҳисобланади. Қолаверса, бугун қурилаётган турар жойларнинг ҳар бир қаватида автоматик ёнғиндан хабар бериш қурилмаси ҳам ўрнатилгани бу борада аҳолига яратилган қулайликлардан биридир.

Ўрганиш ишларида шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган асосий талабларнинг ижроси ҳам кўздан кечирилди. Бунда ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди.

Мутахассисларнинг билдиришича, Қурилиш вазирлигида "Шаффоф қурилиш" ахборот тизими жорий қилинган ва мамлакатдаги ҳар бир қурилиш жараёни ушбу платформа орқали мутлақо инсон омилининг аралашувисиз назорат қилинади. Эътиборли томони, мазкур тизимга Қурилиш вазирлиги, Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги каби кўплаб ташкилотлар интеграция қилинган.

Пойтахтдаги ўрганиш ишлари нафақат кўп қаватли турар жой бинолари, балки маиший хизмат кўрсатиш объектларида ҳам давом этди. Қурилиш ташкилотлари раҳбарларига ёнғин хавфсизлигини олдини олишдаги мажбуриятлари тушунтирилди.

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# "Тескари пирамида"нинг ишлари тескари...ми?

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori"мухбири.

**Самарқанд туманидаги Жўйисой маҳалласида қад ростлаган 11 қаватли, "тескари пирамида" деб ном олган бино ҳақида оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқларида эълон қилинган мақолалар кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўляпти. Мазкур объект бўйича куни кеча Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан Самарқанд шаҳрида матбуот анжумани уюштирилди.**

Унда вазирликнинг масъул мутасаддилари, қурилиш, лойиҳа идоралари, соҳага алоқадор илмий-тадқиқот институтларнинг вакиллари, ташкилотлар, Қурилишда назорат инспекцияси ходимлари, Жўйисой маҳалласи вакиллари иштирок этишди. Журналист ва блогерлар асосий эътиборни бинонинг қонуний талабларга қай даражада жавоб бериши, унинг келажакдаги тақдири масаласини муҳокама марказига олиб чиқишди.

Қурилиш вазирлиги матбуот котиби С. Усмонов, Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Л. Ҳамидов, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доценти С. Тошев ва бошқалар берилган саволларга жавоб қайтаришди. Шунингдек, улар мазкур бино жойлашган манзилга бориб, вазиятни ўрганишди. Мутахассислар иншоот бўйича таҳлилий хулосалар чиқариб, ўз фикрларини билдиришди.

# ҲАРБИЙЛАРГА УЙЛАР ТОПШИРИЛДИ



**Бухоро вилояти Олот туманидаги ДХХ Чегара қўшинларига қарашли чегарани қўриқлаш взводи ҳарбий хизматчиларига 23 та намунавий лойиҳа асосидаги янги хизмат уйлари, шунингдек, 25 ўринли болалар боғчасининг тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.**

Бунёдкорлик ишларига вилоят ҳарбий-маъмурий секторини ривожлантириш жамғармасидан қарийб 10 миллиард сўм маблағ сарфланди. Тадбирда вилоят секторлари раҳбарлари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, масъул идоралар, жамоатчилик вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари қатнашди.

Бухоро вилояти ҳокими, ҳарбий маъмурий сектор раҳбари Ботир Зарипов Президентимиз раҳнамолигида мамлакат Қуролли Кучлари тизимини такомиллаштириш, Ватан тинчлиги, халқ осойишталиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Шундан сўнг, ҳарбий хизматчиларга хизмат уйлари калитлари, шунингдек, қимматбаҳо совғалар топширилди. Рамзий лента қирқилиб, йиғилганлар хонадонларда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Худди шундай тадбир Қоракўл туманидаги ДХХ Чегара қўшинларига қарашли чегарани қўриқлаш взводида ҳам ташкил этилди. Ушбу чегара қўриқлаш взводида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар учун 14 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар ва боғча қуриб берилди.

"Ҳасан Улуғбек қурилиш сервис" хусусий корхонаси томонидан амалга оширилган қурилиш-бунёдкорлик ишларига вилоят ҳарбий-маъмурий секторини ривожлантириш жамғармасидан қарийб 6 миллиард сўм маблағ сарфланган. Янги уйларнинг шинам, кенг ва ёруғ хонадонларида яшовчилар учун зарур барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, уй олдида болалар майдончаси барпо этилганлиги ҳам яшовчиларга катта қулайликдир. Албатта, ушбу турар жойлар чегарачиларнинг бевосита хизмат давомида оилалари, фарзандлари билан бирга, қулай шароитларда яшаб, хизматни юксак даражада ўташида муҳим ўрин тутади. Қолаверса, аҳоли яшаш пунктидан олисдаги чегарани қўриқлаш взводларининг ўзида ташкил этилаётган мактабгача таълим муассасаси қисқа муддатли гуруҳлари чегарачиларнинг фарзандлари ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари эса шу ернинг ўзида тарбиячилик, тикувчилик, пазандалик каби фаолият турлари орқали иш билан банд бўлади. Тадбирда янги уйларнинг калити топширилган чегарачиларнинг оила аъзоларига маиший техникалар, уй жиҳозлари берилди. Бундан ташқари, фарзандларни мактабга қатнашлари ҳамда шахсий таркибни ижтимоий мақсадларида фойдаланиши учун ДХХ раҳбарияти томонидан 1 дона замонавий микроавтобус ҳам туҳфа қилинди.

– Оиламиз учун ажратилган хонадонда барча қулайлик яратилган, – деди взвод командири, капитан Аббос Ғайбуллаев ЎзА мухбири Зариф Комилов билан суҳбатда. – Шароитлар шаҳарникидан қолишмайди. Мажмуада спорт иншоотлари ва майдончалари ҳам барпо этилгани фарзандларимизнинг соғлом вояга етишига хизмат қилади. Бунинг учун биз, чегарачилар Президентимиздан миннатдормиз. Бунга жавобан янада фидойилик билан хизмат қилиб, Ватанимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигини сақлаш йўлида бор куч-ғайратимизни ишга соламиз.

# МАЛИК ҚЎРҒОНИ ОБОДОНЛАШЯПТИ

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori"мухбири.

**Навоий вилоятининг 11 та туман ва шаҳарларида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича 2022 йил учун манзилли рўйхат шакллантирилган бўлиб, 22 та аҳоли пунктида қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини бажариш белгиланган. "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ томонидан Кармана туманининг "Малик" МФЙ ҳудуди (Гулшан ва Узумзор қишлоқлари)нинг лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.**

Таъкидлаш лозим, Малик қўрғони ўзлаштирилаётган чўл ерларига киради, аввалари бу ерда саноқлигина хўжалик истиқомат қилган бўлса, бугунга келиб яратилаётган шароитлар ҳисобига кўчиб келувчилар сони ортди. Эндиликда маликликлар том маънода ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқда. Мактаб ва боғчалар, йўллар қурилиши бошлаб юборилди, сув қувурлари тортиб келинмоқда, ишлаб чиқариш цехлари, тадбиркорлик ривожланмоқда.

Гулшан қишлоғида 2 705 нафар фуқаро истиқомат қилади. Яқинда Қурилиш вазирлиги иштирокида бўлиб ўтган сайёр қабулда маҳалла биносини тиклаш масаласи билан боғлиқ муаммо шу ернинг ўзида ечим топди. 1 миллиард сўмга баҳоланган бинони тиклаш ишлари қабул кунидаёқ бошлаб юборилди. Кармана тумани ҳокимининг "Гулшан" МФЙ бўйича ёрдамчиси Азиз Сувоновнинг таъкидлашича, маҳалла гузари билан бирга спорт майдончаси, оталар чойхонаси ҳам тикланади. Сайёр қабулда белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан барча ҳудудларда учрашув ташкил этиляпти.

"Малик" МФЙда дастурлар доирасида 26 миллиард 578 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ички йўлларни таъмирлаш, электр энергияси, табиий газ тармоқларини ўтказиш, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш, тиббиёт муассасасини реконструкция қилиш, мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти биноларини қуриш ва таъмирлаш каби ишларга сарфланиши белгиланган.



## УВАЖАЕМЫЕ АКЦИОНЕРЫ АО "МНГМ"!

## АО "Мубарекнефтегазмонтаж",

**расположенное по адресу: Кашкадарьинская обл., г. Мубарек, 2-й микрорайон, извещает вас о том, что 29 июня 2022 г. в 10.00 состоится годовое общее собрание акционеров Общества.**

**Место проведения общего собрания акционеров:** Кашкадарьинская область, г. Мубарек, 2-й микрорайон.

Список акционеров, имеющих право на участие в общем собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 23 июня 2022 года.

### ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение состава счетной комиссии и регламента годового общего собрания акционеров АО "Мубарекнефтегазмонтаж".
2. Рассмотрение отчета Правления АО "Мубарекнефтегазмонтаж" об итогах финансово-хозяйственной деятельности, об исполнении Бизнес-плана развития АО "Мубарекнефтегазмонтаж" за 2021 год и стратегии развития Общества на среднесрочный период.
3. Рассмотрение аудиторского заключения по итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности АО "Мубарекнефтегазмонтаж" за 2021 год в соответствии с НСАД и МСА.
4. Рассмотрение отчета Наблюдательного совета АО "Мубарекнефтегазмонтаж" за 2021 год.
5. Утверждение годового отчета АО "Мубарекнефтегазмонтаж" за 2021 год
6. Утверждение распределения прибыли АО "Мубарекнефтегазмонтаж" за 2021 год.
7. Об одобрении сделок с аффилированными лицами, которые могут быть совершены в будущем в процессе осуществления АО "Мубарекнефтегазмонтаж" его текущей хозяйственной деятельности на период до следующего годового общего собрания акционеров.
8. Утверждение предельного размера выплачиваемых исполнительному органу Общества вознаграждений и (или) компенсаций на 2022 отчетный год.
9. Утверждение устава в новой редакции. Утверждение Положения об общем собрании в новой редакции. Утверждение "Положения о Наблюдательном совете" в новой редакции. Утверждение "Положения об исполнительном органе" в новой редакции. Утверждение "Положения о внутреннем контроле" в новой редакции.

**В период подготовки к проведению общего собрания акционеров вы сможете ознакомиться со следующими материалами:**

- годовой отчет общества за 2021 г.;
- заключение ревизионной комиссии общества и аудиторской организации по результатам проверки годовой финансово-хозяйственной деятельности Общества;
- заключение аудиторской организации по расчетам КПЭ, ИКЭ и процентов их выполнения;
- заключение по оценке системы корпоративного управления;
- предложения Наблюдательного совета по распределению прибыли Общества за 2021 г.;
- сведения о сделках с аффилированными лицами, которые могут быть совершены в будущем, в процессе осуществления Обществом его текущей хозяйственной деятельности;

Устав Общества в новой редакции, "Положение об общем собрании" в новой редакции, "Положение о Наблюдательном совете" в новой редакции, "Положение об исполнительном органе" в новой редакции.

**Тел.:** 97-229-12-73.
**E-mail:** mngm07@mail.ru
Регистрация участников – 29 июня 2022 года с 09.00 до 10.00.

Просьба при себе иметь паспорт или иное удостоверение личности.

**Наблюдательный совет**
**АО "Мубарекнефтегазмонтаж".**

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**2022 йил 22 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Сергели туманида жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 28 апрелдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "KIBRAY KREDIT" МЧЖ томонидан қўйилмоқда:**

1. 202201957003707-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 829 750 сўм.
2. 202201957003706-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 049 625 сўм.
3. 202201957003705-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 239 000 сўм.
4. 202201957003702-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 284 250 сўм.
5. 202201957003701-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 268 500 сўм.
6. 202201957003700-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 829 750 сўм.
7. 202201957004784-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 329 500 сўм.
8. 202201957004785-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 996 000 сўм.
9. 202201957004786-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 360 000 сўм.
10. 202201957004787-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 602 100 сўм.
11. 202201957004788-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 572 400 сўм.
12. 202201957004789-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 451 000 сўм.
13. 202201957004790-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 239 000 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Kibray Kredit" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Қибрай шаҳри, Зебунисо кўчаси, 4-"а" уй.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 22 июль куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 "Турон банк" АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**2022 йил 22 июль куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Шокирариқ кўчаси, 100-хонадонда жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 30 майдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "GOLD FINANCE BUSINESS" МЧЖ томонидан қўйилмоқда:**

1. 202201957004776-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 049 425 сўм.
2. 202201957004775-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 739 050 сўм.
3. 202201957004773-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 814 500 сўм.
4. 202201957004773-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 163 250 сўм.
5. 202201957004772-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 814 500 сўм.
6. 202201957004771-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 663 000 сўм.
7. 202201957004751-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 633 000 сўм.
8. 202201957004770-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 542 000 сўм.
9. 202201957004769-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 239 000 сўм.
10. 202201957004768-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 542 000 сўм.
11. 202201957004750-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 875 400 сўм.
12. 202201957004767-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 587 550 сўм.
13. 202201957004766-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 049 625 сўм.
14. 202201957004765-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 276 775 сўм.
15. 202201957004764-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 587 050 сўм.
16. 202201957004763-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 784 500 сўм.
17. 202201957004762-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 905 700 сўм.
18. 202201957004761-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 966 200 сўм.
19. 202201957004760-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 708 250 сўм.
20. 202201957004759-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 845 000 сўм.
21. 202201957004758-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 193 550 сўм.
22. 202201957004756-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 701 175 сўм.
23. 202201957004755-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 996 400 сўм.
24. 202201957004754-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 572 400 сўм.
25. 202201957004753-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 776 425 сўм.
26. 202201957004753-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 784 500 сўм.
27. 202201957004783-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 026 500 сўм.
28. 202201957004777-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 648 050 сўм.
29. 202201957004782-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 458 675 сўм.
30. 202201957004781-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 163 250 сўм.
31. 202201957004780-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 057 000 сўм.
32. 202201957004779-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 663 200 сўм.
33. 202201957004778-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 390 500 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Gold Finance Business" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Истироҳат боғи кўчаси.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 22 июль куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 "Турон банк" АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz

004059 рақамли гувоҳнома.

## "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ

**нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**2022 йил 22 июль куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога қуйидаги таъмирталаб ҳолатдаги автотранспорт воситалар қўйилмоқда:**

I. Таъсисчиларнинг 2022 йил 27 майдаги 4-сонли умумий йиғилиш қарори ва "Хоразм пахта уруғчилиги" МЧЖнинг 2022 йил 20 июндаги 51-сонли хатига асосан, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 11-уйда сақланаётган, 2020 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 90 801 WAA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "Lacetti" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 85 073 000 (саксон беш миллион етмиш уч минг) сўм.

II. "Ўзагросервис" АЖнинг 2022 йил 23 майдаги 3-сонли қарори ва "Хоразм Агроинтехника МТП" МЧЖнинг 2022 йил 20 июндаги 01/100-27-сонли хатига асосан, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси 1-"а" уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. 2001 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 90 562 DA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "CLAAS MEGA 204" русумли комбайн. **Бошланғич баҳоси** – 226 411 101 (икки юз йигирма олти миллион тўрт юз ўн бир минг бир юз бир) сўм.
2. 2001 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 90 560 DA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "CLAAS MEGA 204" русумли комбайн. **Бошланғич баҳоси** – 226 411 101 (икки юз йигирма олти миллион тўрт юз ўн бир минг бир юз бир) сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 22 июлдаги очиқ аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 31 август кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 5 (беш) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Гаров пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади:** 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ "Ипотека-банк" Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.
**Расмий веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Июнь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қурилиш синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ўрганиш бош мутахассиси **Нуриддин Ачилов,**

Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Илёс Аҳмедов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Сарвар Жуманов,** мутахассис **Шоҳрух Чориев,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Буюртмачилар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси **Бахтияр Ҳасанов,**

Самарқанд шаҳар қурилиш бўлими бош мутахассиси **Умид Салоҳидинов,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси Туман ва шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Отабек Болабеков,** Тошкент тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Дилмурод Мажидов,**

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси ҳайдовчиси **Рустам Авезов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# БЕШАРИҚЛИК ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ
## давр билан ҳамнафас қадам ташлашмоқда

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бешариқ – вилоят маркази Фарғонадан юзлаб чақирим олисда, Тожикистоннинг Конибодом, Исфара ва Ашт туманлари билан чегарадош туман. Туман аҳли ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари бўйича олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, юрт ва мамлакат равнақига катта ҳисса қўшмоқда. Албатта, буларнинг бари яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларга бевосита боғлиқ. Айниқса, кейинги йилларда аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида юртбошимиз ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, мутасаддилар томонидан қилинаётган амалий ишлар фуқароларни шу гўзал юртга бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширмоқда.**

Туман ҳокими Расулжон Жўраев билан бўлган илк учрашувимизда яқинлашиб келаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида журналистлар учун қувончли хушхабарнинг устидан чиқдик. Яъни, ҳоким “Чўлпон” МФЙ ҳудудидаги “Бешариқ тонги” газетаси таҳририяти балансида бўлган 21 сотих ер майдонида 5 қаватдан иборат бўлган “CHO‘LPON CENTRAL HOUS” турар жой комплекси лойиҳаси билан таништирди. Комплексда “Бешариқ тонги” газетаси таҳририяти, туман марказий кутубхонаси ҳамда “CHO‘LPON CENTRAL HOUS” турар жой комплекси жойлашади. Шунингдек, ҳудудда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳалари, автотураргоҳ ва болалар майдончалари ҳам мавжуд.

Жорий йилнинг ўтган даврида туманда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 январдаги “2022 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-98-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалда бажарилган ишлар бугун рақамларда ўз аксини топмоқда.

Инвестиция дастури доирасида туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 4 та мактабга 24 млрд 885 млн сўм, мактабгача таълим бўлимига қарашли 1 та боғчага 3 млрд 600 млн сўм маблағ йўналтирилди. Жорий йилнинг 1-ярмида маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган маблағлари ҳисобидан маҳаллалар ҳудудидаги 56 километр ички кўчаларда шағаллаш ишлари олиб борилди.

“Янги Рапқон” ва “Ворух Дашт” маҳаллалари аҳолисини сел сувларидан ҳимоя қилиш учун 2 километр узунликда янги сел йўли қуриш учун 4 млрд 915 млн сўм, туман хўжаликлараро “Шеробод-2” коллекторининг ПК40+00 дан ПК110+00 гача қисмини реконструкция қилиш ҳамда “Мироб Капаянги” сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғини қуриш учун 5 млрд 540 млн сўм ва умуман, дастур бўйича 38 млрд 940 млн сўм маблағ режалаштирилган.

### ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Туманда ёшларнинг кенг ва ёруғ, барча имкониятлари мавжуд мактабларда билим олишлари учун шароит яратиш, шу мақсадда эски биноларни таъмирлаш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 3-, 4-, 9-, 15- ва 49-сонли умумтаълим мактабларини жорий таъмирлаш, қўшимча ва йўлдош бинолар қуриш мақсадлари учун 31 млрд 989 млн сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бугунги кунда режада белгиланган ишларнинг аксарият қисми бажарилди.

– Мактабимиз илгари 320 ўринга мўлжалланган эди, – деди “Қияли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 15-мактаб директори Мамадали Исоқов. – Эндиликда давлат дастурига кўра, 420 ўринли бўлади. Бунинг учун 6 млрд 354 млн сўм давлат бюджетидан маблағ ажратилган. Умуман, мактабимиз қайта реконструкция қилиняпти. Янги ўқув блок қурилади ва мавжуд ўқув блоги капитал таъмирланади.

Бу ишлар Фарғона вилояти ҳокимлигининг “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ИК буюртмачилигида “ZAMAN BULDING” МЧЖ томонидан бажарилмоқда. Ҳозиргача мавжуд биноларнинг фасад қисмларида ишлар давом этяпти. Иш бошлашганига эндигина 1.5 ой бўлган бунёдкорлар шу йилнинг сентябрь ойида 3 қаватли бинони қуриб битказиш учун вақт билан хисоблашмаяпти.

М. Исоқовнинг маълум қилишича, мактабга Қовурма, Қияли, Чек, Гулистон ва 5-6 километр олисда жойлашган Шадоғозиқ қишлоқларидан ўқувчилар келишади. Уларга чуқур билим ва тарбия беришда мактабнинг 75 нафар ўқитувчиси бор билим ва тажрибаларини ишга солишмоқда. Уларнинг 1 нафари олий ва 11 нафари 1-тоифали ўқитувчилардир.

Қурбонали Ҳайдаров физика фани ўқитувчиси. 40 йилдан буён шу мактабда ишлаб, бутун умрини шу касбга, ёшларга бағишлаган фидойи устозлардан.

– 1983 йил 15 августда шу мактабга ишга келганман, – деди Қурбонали ака. – Меҳнат дафтарчамда фақат шу мактаб ёзилган, холос. Мактабимиз вилоятнинг энг чекка ҳудудида жойлашганига қарамай фарзандларимиз учун ҳукуматнинг бевосита амалий ёрдами билан замонавий мактаб биноси қуриляпти. Биз кекса авлод мана шундай мактабда ишлашни узоқ орзу қилганмиз. Чунки, кўп йиллар ҳатто уч сменада ҳам ишладик. Эндиликда ўқув жараёнлари деярли бир сменали бўлади. Ўқитувчи энди ўз устида ишлайди. Дарсдан кейин турли тўгараклар, репетиторлик марказлари фаолият юритиши учун шароитлар яратиб берилади.

### ҚИЯЛИ ОБОД БЎЛАДИ

– Қияли қишлоғи туман марказидан анча олисда – қўшни давлат билан чегара ҳудудида жойлашган бўлиб, “Обод қишлоқ” давлат дастурига киритилган, – деди туман ҳокимининг Қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Исломжон Эшматов. – Қишлоқда дастурда белгиланган ишлар ўз вақтида ва жадаллик билан олиб боришляпти. Яқин кунларда қишлоқ кўчаларига 16 километр ичимлик суви тармоғи тортилади. Шу тариқа аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. Бунинг учун 3 та қудуқ қазилади.

Қишлоқда 100 дан зиёд тадбиркорларнинг ишбилармонлиги, елиб-югуришлари, изланишлари билан чорвачилик ва паррандачилик йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда 25 та хонадонда ташкил этилган иссиқхонада етиштирилган турли мева-чевалар қишин-ёзин аҳоли дастурхонига етказиб беріляпти.

### ҲОЖИ АКАНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021 – 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Газ иссиқлик”, “Фарғона файз қурилиш монтаж”, “Отабек имконияти”, “Қилич Бунёд” МЧЖ, “Шоҳрух боғбон” каби хусусий қурилиш корхоналари томонидан “Файзиобод”, Ҳамид Олимжон номидаги, “Ворух-Дашт” МФЙлар ҳудудида кундан кунга бўй чўзиб, ўзгача қиёфа касб этаётган кўп қаватли уйлар барпо этилаётгани аҳолини мамнун қилмоқда.

– Жамиятимиз ташкил топганига 10 йилдан ошди, – деди “Бешариқ Анис Қурилиш” МЧЖ раҳбари Давлатжон ҳожи Абдуллаев. – Шу вақт ичида вилоят ҳокимлигига қарашли кўплаб объектларни қуриб, фойдаланишга топширдик. “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК буюртмасига кўра турар жой биноларини ҳамда Бешариқнинг ўзида 40 тадан ортиқ намунавий лойиҳа асосида яратилган замонавий уйларни қурганмиз.

Маълумот ўрнида: Д. Абдуллаев Фарғона политехника институтини тамомлаган. 2009 йилдан буён қурилиш соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. 2005 йилдан бери ҳозирги жамоага раҳбар.

Давлатжон ҳожи ака раҳбарлигидаги ушбу жамият ишлари доимо пишиқ-пухта, сифатли, ишлари ҳавас қилса арзигулик бўлгани учун анчайин ном қозонган Кўқон қурилиш лойиҳа институти билан ҳамкорлик ўрнатган. Шунинг учун бўлса керак улар қурган бино-иншоотлар ҳар жиҳатдан бошқа қурилиш ташкилотлариникидан ажралиб туради.



– Кейинги йилларда туман ҳокимлиги томонидан қурилиши режалаштирилган, ўзида миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган, бири-биридан гўзал ва шинам уй-жойларни қуриб, халқимизга қувонч улашяпмиз, – дейди қаҳрамонимиз. – Туман марказида жойлашган “Файзиобод” МФЙ ҳудудидаги Олтин водий кўчасида барча ишлари якунланиш палласига келиб қолган 3 та 3 подъездли, 5 қаватли, ҳар бири 40 хонадондан иборат уйларнинг қурилиши учун лойиҳа қиймати 24 млрд 500 млн сўмлик маблағ сарфланиши режалаштирилган бўлиб, бугунгача ушбу биноларда ишлар 98 фоиз якунига етказилди. Ҳозирда бинолар ҳовлисидаги болалар майдончасида ва хонадонлардаги қурилиш-монтаж ишлари якунланай деб қолди. Пардозлаш ишлари бажариляпти. Мустақиллик байрами арафасида ушбу биноларни тўлиқ фойдаланишга топшириш ниятидамиз. Сув, газ, электр энергияси, канализация бўйича лойиҳалар тайёрланиб, бажарувчи ташкилотлар ҳамда маблағлар аниқланиб, расмийлаштирилди. Қисқа муддатларда бу ишлар ниҳоясига етказилиб, хонадонлар калитлари ўз эгаларига топширилади.

Жамият бунёдкорлари хайр-саховат ишларида ҳам бошқаларга намуна. Сабаби, жамият шу йилнинг ўзида кам таъминланган оилалар ҳамда боқувчисини йўқотган 12 нафар аёлларни субсидия асосида уй билан таъминлади. Ҳамма ҳужжатлар нотариус томонидан расмийлаштирилди. Саховатли қурувчиларнинг ёрдами билан кўплаб юртдошларимиз ўз ватанига эга бўлдилар.

Юқоридаги ишлар бажарилганидан кейин жамиятга қарашли ерда 60 млрд сўмлик лойиҳа қийматига эга яна 5 та кўп қаватли уйлар қуриш ишлари бошланади. Мазкур лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг дастурига киритилган. Бинонинг 3 таси 7 қаватли, 2 таси 5 қаватли ва 195 ўринли. Ушбу объектнинг барча ҳужжатлари тайёр.



### ҚУРУВЧИ-ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШИ ҚИЗҒИН

Туманда қурувчилик касбини эъзозлаб, бири-биридан шинам ва кўркам бинолар қуриш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондиришни мақсад қилган Авазбек Муҳаммаджонов, Фарҳод Бозоров, Шавкатжон Акбаров, Равшанжон Расулов, Жамшиджон Набиев каби ўндан зиёд тадбиркорлар ўзларига катта ишонч билан топширилган объектларда сифат ва самарадорликка эришиш мақсадида мижоз кўнгли ҳамда талабига мос равишда фаолият юритмоқда.

Ушбу йилда туман қурувчи-тадбиркорлари томонидан 16 млрд 700 млн сўмлик янги маиший хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари қуриш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, “Булоқбоши” МФЙда 4 қаватли савдо мажмуасида тадбиркор Аъзамхон Акрамхонов МЧЖ томонидан 4 млрд сўмлик қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда бинонинг ташқи ва ички коммуникация тармоқлари тортиляпти. Бунёдкорлар савдо мажмуасини мамлакатимиз Мустақиллиги байрами арафасигача битириб, ишга туширишни кўзлаганлар. Мажмуа ишга туширилиши баробарида 15 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланади ва аҳоли эҳтиёжи учун сифатли маҳсулотлар етказиб берилади.

Яна бир тадбиркор – Авазбек Муҳаммаджонов Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, маҳалладошларининг кўнглига мос турли товарлар билан таъминлаш мақсадида 2 қаватли савдо дўконини қуриш учун 800 млн сўмлик маблағ йўналтирган. Ҳозирги кунда бинонинг ички коммуникация тармоқлари тортилди. Ушбу савдо мажмуасини июль ойи охиригача ишга тушириш мақсад қилинган бўлиб, 10 нафар ёшлар учун янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, “Бой” МФЙда қурилаётган 2 қаватли савдо мажмуаси ҳам ишга тушса, 15 нафар қишлоқ ёшлари ва хотин-қизлар доимий иш билан таъминланади.

### ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Қишлоқларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, туман марказидан анча олисда жойлашган “Янги ҳаёт” МФЙда замонавий, барча қулайликларга эга 2 қаватли, аҳоли учун қулай шароитларга эга, умумий қиймати 1,2 млрд сўмга тенг замонавий стоматология клиникаси қурилиши тадбиркор томонидан жадал олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда бинонинг ташқи ва ички қисмида пардозлаш ишлари бажариляпти. Клиника жорий йил якунига қадар ишга туширилса, 15 нафар қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратилади.

“Навбаҳор” МФЙда истиқомат қилувчи аҳоли учун эса сифатли ва қулай шароитларга эга, 2 млрд сўмлик замонавий клиника тадбиркор Шавкатжон Акбаров томонидан қуриляпти. Клиникада 12 нафар ёшлар иш ўринларига эга бўладилар.

### ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ҲИММАТ

Кейинги йилларда маҳаллий ҳунармандларнинг қўлида сайқал топган, ёғоч ўймакорлиги асосида яратилган турли тайёр маҳсулотлар кишини ўзига мафтун этмоқда. Хусусан, “Файзиобод” МФЙ ҳудудида 600 млн сўмлик сармоя киритилиши эвазига “Умиджон” корхонаси томонидан мебель ишлаб чиқариш цехи йўлга қўйилган. Ёғоч ўймакорлиги усулида тайёрланаётган маҳсулотлар мижозлар томонидан эътироф этилмоқда ва буюртмачи-харидорлар сони кун сайин ортиб боряпти. Ҳозирда кунда цехда 10 нафар ёш ҳунарманд устозлардан ушбу касб сир-асрорларини амалда ўрганмоқда.

“Чорбоғтуронғи” маҳалла фуқаролар йиғинида тўй ва турли маросимлар ўтказишга мўлжалланган янги тўйхона тадбиркор Жамшиджон Набиев томонидан қуриляпти. Айни кунларда бинога ташқи ва ички коммуникация тармоқлари тортиляпти. Бино йил якунига қадар ишга туширилади.

“Андархон” МФЙ ҳудудида эса яна бир тадбиркор – Руслан Рўзиев томонидан 1,2 млрд сўмлик сармоя эвазига замонавий ва шаҳардагидан қолишмайдиган шинам меҳмонхона қуриш ишлари олиб борилмоқда. Меҳмонхона йил якунига қадар ишга туширилади.

### КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИДАН УМИД КАТТА

Туман ҳудудида 47 гектар майдонда ташкил этилган “Ворух-Дашт”, “Бахмал”, “Новкат” ҳамда “Тараққиёт” ёшлар кичик саноат зоналарида умумий қиймати 37,6 млрд сўмлик 13 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши баробарида 268 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Бугунгача 15,8 млрд сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 5 та лойиҳа ишга туширилди.

1-сектор ҳудудидаги умумий ер майдони 10 гектардан иборат қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Ворух-Дашт” кичик саноат зонасида қиймати 17,4 млрд сўмлик 6 та лойиҳа жойлаштирилиб, 101 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Бу ерда ҳозирда “Баракали Асроржон савдо” хусусий корхонаси томонидан қурилиш материаллари – гипс, саморез мих ва ламинат ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун қурилиш ишлари олиб боріляпти. Шунингдек, “Бешариқ кабель” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан қиймати 1 млн АҚШ долларлик электр кабеллари ишлаб чиқариш лойиҳаси асосидаги қурилиш ишлари 60 фоизга бажарилди.

“Бахмал” кичик саноат зонасининг умумий ер майдони 20 гектарни ташкил этади. Ҳудуд “Бахмал-1” ҳамда “Бахмал-2” кичик саноат зоналари секторларига бўлинган. Биргина 2-сектор ҳудудида жойлашган ва ер майдони 10 гектарни ташкил этадиган “Бахмал 1” кичик саноат зонаси 80 та лотга ажратилган бўлиб, “Сифат қурилиш бизнес” МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 6,8 млрд сўмлик асфальт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳамда дробилка ташкил этиш лойиҳалари фойдаланишга қабул қилинди. Мазкур кичик саноат зонасини ичимлик суви билан таъминлаш, табиий газ, автомобиль йўли қуриш ва таъмирлаш мақсадлари учун каттагина маблағ йўналтирилган.

3-сектор ҳудудидаги умумий ер майдони 10 гектардан иборат “Бахмал-2” кичик саноат зонасига қиймати 8 млрд сўмлик 3 та лойиҳа жойлаштирилган. Зона асосан қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги боис ҳозирда “Бахмал Бешариқ баракаси” ҳамда “Қайнаркон” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан гипс маҳсулотлари ва гипс ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилди.

Бундан ташқари, сектор ҳудудида 10 гектар майдонда ташкил этилган “Тараққиёт” ёшлар кичик саноат зонасига 2 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан умумий қиймати 4,5 млрд сўмлик лойиҳалар жойлаштирилган. Айни кунда 10 нафар қишлоқ ёшлари билан фаолият юритаётган “Пишлоқ Бешариқ” сутни қайта ишлаш хусусий корхонаси аҳолига сифатли ва витаминга бой истеъмол маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Мазкур кичик саноат зонасини зарурий муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш мақсадида 2 465,6 млн сўмлик маблағ йўналтирилган. Шундан, ҳозирда электр тармоғи учун 1 155,6 млн сўмга лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, давлат экспертизасига берилган.

Тумандаги кичик саноат зонаси ва ёшлар кичик саноат зоналаридаги бўш турган лот ер майдонлари аукцион савдоларга чиқарилганидан сўнг, ер участкасига нисбатан ҳуқуқ турини белгилаш учун “Е-аукцион” савдоларидан олинган. Ҳозирда мавжуд ҳудудлар қайта электрон савдога чиқариш жараёнида.

Хуллас, бешариқлик ҳар бир фуқаро қаерда ва қайси вазифада ишламасин, шу азиз ва муқаддас юртга хизмат қилиш, унинг гуллаб-яшнаши, фаровонлиги йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишни мақсад қилиб олган.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-643.
2210 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 00.15.
Топширилди – 00.40.

1 2 3 4 5 6